

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги директори


_____ **А. Бурханов**

2024 йил 10 июль

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг
2024 йил II ярим йиллигига мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
1.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури ижросини мониторинг қилиш.	1. Давлат дастури ижроси юзасидан масъул вазирлик ва идоралардан маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш. 2. Тўлиқ ижроси таъминланмаган бандлар бўйича вазирлик ва идораларга сўров хатлари юбориш. 3. Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар юзасидан Миллий кенгаш ахборот киритиш. 4. Давлат дастури ижроси юзасидан маълумотларни Агентлик расмий-веб сайти ва ижтимоий тармоқларда эълон қилиш учун умумлаштириш.	2024 йил июль 2024 йил декабрь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармони	Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши назорат қилиб борилади.	Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими
2.	Давлат органлари ва ташкилотларининг	Давлат органлари ва ташкилотларининг очикликни	2024 йил июль-	Ўзбекистон Республикаси	Давлат органлари ва ташкилотларининг	Давлат органлари ва ташкилотлари

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	очикликни таъминлашга масъул ходимларини мунтазам ўқитиш ва малакасини оширишга қаратилган ўқув семинарларини ташкил этиш ва ўтказиш.	таъминлашга масъул ходимларини ўқитиш бўйича дастур ишлаб чиқиш. Бунда қуйидагилар юзасидан тушунтиришлар бериш: давлат органлари ва ташкилотларида очиклик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиклик индексининг баҳолаш мезонлари; “Open data” платформасидан фойдаланиш тартиби.	август	Президентининг 14.06.2022 й. ПФ-154-сон Фармони	очикликни таъминлашга масъул ходимлари малакаси оширилади.	фаолияти очиклигини таъминлаш бошқармаси
3.	Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очикликка оид қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган маълумотларни Интернет тармоғига жойлаштириш (эълон қилиш) ҳолатини таҳлил қилиш.	1. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очикликка оид қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган маълумотларни ўз мuddатларида ва ресурсларда эълон қилиниши ҳолатини масофавий мониторинг қилиш. 2. Мониторинг натижаларига кўра топшириқлар ижросини қониқарсиз таъминланган давлат органлари ва ташкилотлари масъул ходимларига нисбатан тегишли интизомий чора қўллаш ва камчиликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш. 3. Мониторинг натижалари бўйича умумлаштирилган таҳлилий маълумот тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти	2024 йил июль 2024 йил август	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 й. ПФ-6247-сон Фармони	Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очикликка оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини сифатли бажарилиши таъминланади.	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш бошқармаси

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (қўтилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
		Администрацияси ва Базирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.				
4.	Жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан очиқликни таъминлаш соҳасидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган грант лойиҳаларини эълон қилиш.	<p>1. Жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ННТлар учун грант танловларига таклифлар тақдим этиш.</p> <p>2. Белгиланган тартибда грант танловлари эълон қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда ўтказилиши тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.</p> <p>3. Грант танловлари ғолибларини аниқлаш ва грант лойиҳаларини амалга оширишда ННТларга қўмаклашиш.</p>	<p>2024 йил июль</p> <p>2024 йил август</p> <p>2024 йил август-декабрь</p>	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7.12.2021 й. ПҚ-34-сон Қарори	ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш соҳасида иштироки кенгайтирилади.	<p>Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бошқармаси</p> <p>Бухгалтерия</p>
5.	Давлат органлари ва ташкилотлари кесимида содир этилган коррупцияга оид жиноятларни таҳлил қилиш.	Давлат органлари ва ташкилотлари кесимида содир этилган коррупцияга оид жиноятларни таҳлил қилиш ҳамда жиноятлар кўрсаткичи ошган давлат органлари ва ташкилотларига кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгилаш учун Агентлик ходимлари иштирокида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш	2024 йил июль-декабрь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармони	Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга оид жиноятларни содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар аниқланиб, уларни бартараф этиш буйича чора-тадбирлар амалга оширилади.	Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси
6.	Маҳаллий ҳокимликлар кесимида содир этилган коррупциявий жиноятларни таҳлил қилиш	Маҳаллий ҳокимликлар кесимида содир этилган коррупциявий жиноятларни таҳлил қилиш орқали коррупцияга	2024-йил июль	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й.	Маҳаллий ҳокимликларда коррупцияга оид жиноятларни содир этилишига имкон берган	Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	қилиш орқали коррупцияга имконият яратувчи сабаблар ва шарт шариоитларни аниқлаш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	имконият яратувчи сабаблар ва шарт шариоитларни аниқлаш. Ўтказилган таҳлиллар якуини Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши йиғилишида муҳокама қилиш учун киритиш.	2024-йил август	ПФ-6013-сон Фармони	сабаб ва шарт-шариоитлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.	бошқармаси
7.	Озиқ-овқат захираларини яратиш ва бошқаришда коррупциявий омилларни аниқлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат харидларини мониторинг қилиш.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси томонидан амалга оширилган давлат харидларини таҳлил қилиш ва таклифлар ишлаб чиқиш.	2024 йил август	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.04.2024 й. ПФ-36-сон Фармони	Озиқ-овқат захираларини яратиш ва бошқаришда коррупциявий омилларни бартараф қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиб, Президент Администрациясига киритилади.	Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси
8.	Давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиш ҳолатларини аниқлаш.	Давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиш ҳолатларини аниқлаш бўйича ўрганишлар ўтказиш ҳамда ушбу ҳолатларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритиш. Амалга оширилган ишлар юзасидан раҳбариятга ахборот киритиш.	2024 йил октябрь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.06.2024 й. ПКҚ-210-сон Қарори	Давлат хизматчиларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ҳолатларини бартараф этиш орқали манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олди олинади.	Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси
9.	Жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга имкон берган омилларни бартараф	2024 йилнинг 1-ярим йиллигида қайд қилинган коррупциявий жиноятларни таҳлил қилиш ҳамда жиноятчилик кўрсаткичи ошган	2024 йил август	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 й.	Жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга имкон берган омилларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган	Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-хукукий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	этиш бўйича кўрилаётган чораларни Миллий кенгаш йиғилишларида тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилиб бориш.	давлат органларида жиноятларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чораларни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаш йиғилишларида муҳокама қилиш учун таклифлар киритиш.		ПФ-200-сон Фармони	чораларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги оширилади.	қилиш бошқармаси
10.	Давлат харидларини амалга оширишда қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш.	Давлат хариди жараёнидаги иштироки билан боғлиқ ҳолатда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган ёки манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган, давлат хариди иштирокчиси бўлган юридик шахснинг мансабдор шахслари ёки таъсисчиларини Инсофсиз ижрочилар реестрига киритиш ҳамда ушбу шахслар бошқарувидаги ёки бенефициар таъсисчилигида бўлган бошқа юридик шахсларнинг ҳам давлат харидидаги иштирокини чеклаш билан боғлиқ тартибни жорий қилишни назарда тутувчи норматив-хукукий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2024 йил октябрь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармони	Давлат харидларини амалга оширишда қонунчилик талабларига риоя этилиши назорат қилиниб манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган таъсирчан чоралар кўрилади.	Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси
11.	Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан	2024 йил давомида Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат кафолати остида жалб қилинган, халқаро молия институтлари ва	2024 йил декабрь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2020 й. ПФ-6013-сон	Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан	Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (қўтилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	молиялаштирилаётган лойиҳалар доирасида, харидлар тартиб-таомилларини ташкил қилинишни таҳлил қилиш.	хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган лойиҳалар доирасида, харидлар тартиб таомилларини ташкил қилинишни ўрганиш ва таклифлар ишлаб чиқиш.		Фармони	молиялаштирилаётган лойиҳалар доирасида, харидлар тартиб-таомилларини ташкил қилинишда коррупцион хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.	бошқармаси
12.	Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини таҳлил қилиш.	1. “E-anticor.uz” электрон платформаси орқали Рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикатор кўрсаткичлари жадвалига киритилган маълумотларни таҳлил қилиш. 2. Коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги “қониқарсиз” деб топиллиши мумкин бўлган давлат ташкилотларига услубий ёрдам кўрсатиш.	2024 йил август-ноябрь Доимий	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 й ПҚ-81-сон Қарори	Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлиги таҳлил қилинади ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар киритилади.	Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси
13.	Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари масъул ходимларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш.	1. Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимлари учун семинар-тренинг машғулотини ташкил этиш. 2. Ўтказилган семинар-тренинг юзасидан ахборот-таҳлилий маълумотнома тайёрлаш ва Агентлик директорига тақдим этиш.	2023 йил август 2023 йил сентябрь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й ПФ-6013-сон, 21.02.2024 й ПФ-37-сон Фармонлари	Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари масъул ходимларининг соҳага оид билимлари ва кўникмалари оширилади.	Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси
14.	Коррупция хавф-хатарлари юқори	1. Мактабгача ва мактаб таълими, капитал қурилиш,	Доимий равишда	Ўзбекистон Республикаси	Мактабгача ва мактаб таълими, капитал қурилиш,	Коррупциянинг олдини олиш ва

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	булган соҳаларда “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаларини амалга ошириш.	соғлиқни сақлаш ва олий таълим соҳаларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тасдиқланган “Йўл харита”лари ижросини доимий равишда таҳлил ва мониторинг қилиб бориш. 2. “Йўл харита”ларида белгиланган вазифалар ижроси ва амалга оширилган ишлар юзасидан таҳлилий маълумотларни ҳар чоракда Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашига тақдим этиб бориш.	Ҳар чоракда	Президентининг 29.06.2020 й ПФ-6013-сон, 27.11.2023 й ПФ-200-сон Фармонлари	соғлиқни сақлаш ва олий таълим соҳаларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тасдиқланган «йўл харита»ларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши назорат қилиб борилади.	“комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси
15.	Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этиш.	1. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилган барча давлат органлари ва ташкилотларида мавжуд штат бирликларини малакали ходимлар билан тўлиқ жамланишини мониторинг қилиб бориш. 2. Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятининг ташкил этилиши ҳолатини ўрганиш.	2024 йил июль-декабрь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й ПФ-6013-сон Фармони, 06.07.2021 й ПҚ-5177-сон Қарори	Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари бўйича мавжуд штат бирликларини малакали ходимлар билан тўлиқ жамланиши мониторинг қилиб борилади ҳамда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятининг ташкил этилиши ҳолати ўрганилади.	Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси
16.	Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни	Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни билан ўрнатилган талаблар ва механизмларни самарали жорий	2024 йил июль-декабрь	Ўзбекистон Республикасининг 05.06.2023 й ЎРҚ-931-сон Қонуни,	Қонун билан ўрнатилган талаблар ва механизмларни самарали жорий этиш бўйича чоралари кўрилади.	Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат”

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Норматив-хукукий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	ижросини самарали ташкил этиш, уни амалиётга жорий этиш бўйича ҳар томонлама ва пухта тайёргарлик кўриш.	этиш билан боғлиқ ташкилий ва хукукий чора-тадбирларни амалга ошириш. Қонун ижроси юзасидан таҳлилий маълумотларни Агентлик директориغا тақдим этиш.	2024 йил декабрь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.06.2024 й ПҚ-210-сон Қарори		тизимини жорий этиш бошқармаси
17.	Аҳоли ва давлат хизматчиларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, уларга “ҳалоллик вакцинаси”ни сингдириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-228-сон қарори билан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги зиммасига юклатилган вазифа ва топшириқларнинг ижросини таъминлаш. Қарор ижроси юзасидан таҳлилий маълумотларни Агентлик директориغا тақдим этиш.	2024 йил июль-декабрь 2024 йил декабрь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.06.2024 й ПҚ-228-сон Қарори	Аҳоли ва давлат хизматчиларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билим ва кўникмалари тизимли оширилиши таъминланади.	Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси
18.	Норматив-хукукий хужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш	Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги “2024 йилда норматив-хукукий хужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 205/7-сон қарори билан тасдиқланган режаларга асосан давлат органи ва ташкилотларида норматив-хукукий	2024 йил декабрь	Ўзбекистон Республикасининг 08.08.2023 йилдаги ЎРҚ-860-сон Қонуни	Норматив-хукукий хужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши таъминланади.	Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-хукукий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
		хужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилишини мониторинг қилиб бориш.				
19.	Тошкент шаҳрида “Глобал медиа форуми”ни ўтказиш.	Форумни ўтказиш бўйича норматив-хукукий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш; Норматив-хукукий ҳужжатда белгиланган чора-тадбирлар ижросини самарали амалга оширилишини ташкил этиш; Форум яқунлари бўйича Агентлик директориға таҳлилий маълумот такдим этиш.	2024 йил июль 2024 йил июль-сентябрь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й ПФ-6013-сон Фармони,	Маҳаллий ва хорижий етакчи оммавий ахборот воситалари ва журналистлар учун ўзаро тажриба алмашиш, янги ташаббусларни ишлаб чиқиш имконияти яратилади	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси Матбуот хизмати
20.	IV Халқаро аксилкоррупция форумини ташкил этиш.	Форумни ўтказиш бўйича норматив-хукукий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш; Норматив-хукукий ҳужжат лойиҳасида белгиланган чора-тадбирлар ижросини самарали амалга оширилишини ташкил этиш. Форум яқунлари бўйича Агентлик директориға таҳлилий маълумот такдим этиш.	2024 йил июль 2024 йил июль - октябрь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	Ўзбекистонда соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни халқаро ҳамжамиятга етказилиб, хорижий илғор амалиёт ва халқаро стандартларни миллий қонунчиликка тадбиқ этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади.	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси
21.	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун Аксилкоррупция тармоғининг (ИХТТ АКТ) Истанбул ҳаракатлар дастури	Мониторинг натижалари бўйича ҳисобот лойиҳасини кўриб чиқиш; Францияда ташкил этиладиган ИХТТ доирасидаги 23-мониторинг йиғилишида иштирок этиш; Мониторинг ҳисоботини амалга татбиқ этиш бўйича Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш; Режанинг самарали амалга	2024 йил сентябрь-декабрь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	Ўзбекистон зиммасига халқаро шартномалар билан юклатилган мажбуриятлар бажарилиши таъминланиб, тегишли ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялари	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	5-босқич мониторингини ўтказишга оид ишларни ташкил этиш	опирилишини ташкил этиш.			олинади.	
22.	Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни доирасида кенг кўламли Аксилкоррупция ҳафталигини ташкил этиш.	Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш; Режанинг самарали амалга оширилишини ташкил этиш; Натижалари бўйича Агентлик директорига ва Миллий кенгашга таҳлилий маълумот тақдим этиш.	2024 йил август 2024 йил сентябрь - декабрь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш чора тадбирлари такомиллаштирилади.	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси
23.	Агентлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши таркибини янгилаш.	1. Агентлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашини таркибини янгилаш учун танлов эълон қилиш. 2. Келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва Жамоатчилик кенгашини таркибини қайта тасдиқлаш ҳамда таъсис мажлисини ўтказиш.	2024 йил сентябрь	Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 07.07.2022 й 46-сон буйруғи	Жамоатчилик кенгаши фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилади.	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси
24.	Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши фаолиятини самарали ташкилий-услубий кўллаб-қувватлаш.	1. Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашининг 2025 йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Иш режа лойиҳасини Миллий кенгаш аъзолари билан келишиб, тасдиқлаш учун киритиш.	2024 йил декабрь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинади ва уларнинг ўз вақтида ижро этилиши таъминланади	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси
25.	Вазирлик ва идоралар ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари	1. Вазирлик ва идоралар ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари таркибини, фаолиятини, тегишли маълумотлар	2024 йил сентябрь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.07.2018 й	Жамоатчилик кенгашлари фаолияти белгиланган талабларга мос ташкил этилиши	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-хуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	фаолиятини мониторинг қилиш.	очикланишини мониторинг қилиш. Мониторинг натижаларини Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашига киритиш.		ПФ-3837-сон Фармони	ўрганилади	халқаро ҳамкорлик бошқармаси
26.	Агентликка келиб тушаётган мурожаатларни таҳлил қилиш.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўрсатиб ўтилаётган муаммолар юзасидан соҳалар ва вилоятлар кесимида таққослама таҳлилий маълумот тайёрлаш.	2024 йил октябрь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўрсатиб ўтилаётган коррупциявий ҳолатлар ва уларни келтириб чиқараётган омилларни таҳлил қилиш орқали муаммоларга ечим топиш бўйича таклифларнинг ишлаб чиқилишида фойдаланилади.	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси

Режани тузди:



И. Абдуллаев

« К Е Л И Ш И Л Д И »

Бошқарма бошлиғи



У. Бердиқулов

Бошқарма бошлиғи



А. Эргашев

Бошқарма бошлиғи
ўринбосари



У. Аброев